



Мил. XII асрда Рим католик черкови жосусликка асосланган «инквизация» эълон килади, насронийликка карши бўлган яхудийларни ва насронийликни кабул килмаганларни, Исо ибн Марямни тан олмаганларни римдаги черковларда махсус айгокчи жосуслар оркали таъкиб килиб аниклаб, яхудийларни тутиб, сўрокка олиб, кийночка солиб жисмонан йўк килардилар. Бу иш кўп йиллар давом этади, хатто кейинчалик 1391 йилда Испанияда католик черковларида ҳам «инквизация» ўрнатилиб яхудийларга карши катлиом эълон килинади, бунинг натижасида факатгина Испанияда 4,000 яхудий ўлдирилган...

Яхудийлар ислом ва турклар соясида: шафкатли мусулмонлар ёки турклар соясида хузур топдилар...

Яхудийлар мил. 70 йилги Рим ишголи ва 135 йилги Шимон БарКухба кўзголонидадан кейин айтиб ўтканимиздай Фаластиндан дунёнинг тўрт тарафига кувгин килинган, Шаркий Оврупа, Осиё, Русия, Африка, Хиндис-тон, Хитой, Арабистон ўлкаларига Фаластиндан бадарга килинган. Яхудийлар ана ўша мамалкатларда яхши яшаган, десак адашмаган бўламиз, чунки улар тарих давомида кузатилгандай Сулаймон алайхиссаломдан кейин доим истибдод, кувгин ва ишголда бўлганлар. Оссурийлардан кейин Бобилликлар

уларни Фаластиндан сургун килиб Бобилга кул килиб асир олганлар, кейин Форслар даврида озрок эркинликда бўлган, кейин яна Юнонлар кўлига тушган, улардан кейин Рим, кейинчалик яна форсларнинг Сосонийлар давлати ёрдамида Фаластинга қайтиб энди яшашни ҳам бошлаган эди Рим яна галаба қозониш билан тикланиб Шом ҳудудларига тўлиқ ҳукмрон бўлиб уларни Фаластин ва Куддусдан яна қувиган эди, шундай килиб беш юз йил ўтган, римликлар уларни ҳеч Фаластинга қўймаганлар... Улар мил. 70 йилдан кейин дунёнинг ҳар тарафига ёйила бошлаган, Хижозга ва Мадина шахрига ҳам шу даврларда келиб қолган, охириги пайгамбарга ёрдамчи бўламиз, деб; кейин ҳасадларидан адашиб кетишди. Кискаси, яҳудийлар Римликлар салтанидан ташқарида ҳамма қаби одамдай яшаган, фақат римликлар билан эмас. Гарбдаги яҳудийлар доим разил, хор бўлиб яшаганлар токи бугунга қадар, Иккинчи Жаҳон урушидан кейин қавс ичидаги «Исроил давлати» қурулгунга қадар.

Араб ўлкаларида Мадина ва унинг атрофидаги яҳудийларнинг аҳволларини Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бўлган муомалаларидан сийрат дарсларидан билиб олганмиз. Ундан кейин ҳам бошқа ерларда қандай яшаганларини билиш учун ўрта асрлардаги ҳолатларидан ўзимизнинг Мавароуннаҳрда яшаб ўтган яҳудийларнинг ҳаёти ҳақида ўша даврнинг йирик шахсиятларидан бири Темурланг салтанатида қандай шароитда яшаганига тўхталиб ўтиш ўринлидир, яъни «Бухоро яҳудийлари», улар ҳам айнан римликлар яҳудийларни бутун дунёга тарқатиб сургун қилган вақтларда келиб қолганлардан эди...

Мил. 1453 йилда Олмонияда ҳам ўнлаб яҳудийлар гулҳанда ёкилади... 1481 йилда гарбда-оврупада «гуноҳкор одам», яъни яҳудийларни гулҳанда тирик ёниши шарт, деган қонун эълон қилишди ва илк бор Сивил шахрида олти кишини тирик ёкишди. XV-XVII асрларда Испанияда насронийликка қарши бўлган яҳудийларни қатта тантана тамоша билан майдонлардаги юзлаб одамлар олдиға олиб чиқиб очикчасига қатл қилишган, ёки гулҳанда ёкиб юборишган. Испания - Сивилда ўн ой ичида 300 та яҳудийни тириқлай ёкиб юборишди. Испаниядаги инквизиторларнинг энг қаттаси «Томас де Торквемад» эди. Испанияда бу қатлиом деярли барча шаҳарларда амалға ошар эди....

Оврупанинг бошқа ерларида ҳам инквизация жорий қилиниб давом этарди... Сўнгра яҳудийлар насронийликни юзаки қабул қила бошлаган, уларни эса «марон», деб номлай бошлаганлар. Уларни ҳам кейинчалик аниқлаб қувгин қилганлар, айтишлариға 13,000 марон қувгин бўлган. Яҳудийлар Рим Папасига ҳам испанлардан шикоят қилиб ёрдам сўраган, лекин қутилган жавоб қелмаган...

Кейинчалик марон-яҳудийлари Португалияға қоча бошлаган, бироқ у ерда ҳам яҳудийларға қарши инквизация 1539 йил бошланган эди, аниқ манбаларға қўра токи 1821 йилғача узок давом этган...

Польша ва Украинада ҳам 1648 йилларда 100,000 яҳудий ўлдирилган. Инквизация барча Испания ва Португалияға колоня-мустанлақа бўлган мамлакатларда яқин қамонларда ҳам қавжуд эди: Мексика, Перу, Чили, Парагвае, Бразилия, Қариб ороли, Балеар ороли, Хиндистоннинг Гоа шаҳри, ҳатто Африқада ҳам...

Яҳудийлар айтишича инквизация натижазида қаммаси бўлиб 350,000 дан қўп киши ўлдирилган, улардан 32,000 га яқин яҳудий ёкиб юборилган. Шундан кейин яширин ҳаёт қечира бошлайдилар...

Дарвоқеъ, Испаниядаги «инквизация» қатлиоми яқин қунларда тўхтатилган, 1834 й. тўхтатилиши ҳақида оғиз очилиб қасман 1965 йилда қучға қиради. («Яҳудий ва яҳудийлик», toldot.ru сайтидан «инквизация» мақоласидан қисқартириб олинди, русчадан

ўгирилди)

"ФАЛАСТИН ўтмиш ва келажак" китобидан